103

O'zbekiston Respublikasi
Samarqand viloyati
# H O K I M I

Ўзбекистон Республикаси
Самарқанд вилояти
# Ҳ О К И М И

# Q A R O R

200 5 yil «29» сентябрь № 180-К

**Ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотларни куриш хамда фойдаланиш учун ер майдонлари ажратиш тугрсида**

Узбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 5, 23, 57-моддаларига асосан ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотларни куриш ва фойдаланиш учун ер майдонларини ажратиш тугрисидаги туманлар хокимларининг кабул килган карорларини куриб чикиб

**КАРОР КИЛАМАН:**

1. Ташкилот, муассаса ва корхоналарга иншоотларни куриш хамда фойдаланиш учун ер майдонларини ажратиш тугрисидаги:

- Самарканд тумани хокимининг Ф.Косимова номли ширкат хужалиги худудидан «Барака» тайёрлов-савдо таъминот корхонасига кишлок хужалик махсулотларини сотиб олиш ва тайёрлаш пункти куриш учун 0,75 гектар ер майдони ажратиш тугрисида»ги 2005 йил 29 апрелдаги 128-К ракамли;
- Самарканд тумани хокимининг «Узбекистон» ширкат хужалиги худудидан «Сайкал-тайёрлов» масъулияти чекланган жамиятига кишлок хужалигида фойдаланиш учун кушимча 3,6 гектар ер майдони ажратиш тугрисида»ги 2005 йил 29 апрелдаги 129-К ракамли;
- Ургут тумани хокимининг «М.Улугбек номли ширкат хужалиги худудидан жанубий-гарбий магистрал электр тармоклари корхонасига карашли «Согдиана» нимстанциясига кириш-чикиш 500 кв юкори кучланишли хаво электр тармоклари куриш учун жами 1,14 гектар, шундан, вактинчалик фойдаланишга 1,05 гектар, доимий фойдаланишга 0,09 гектар ер майдони ажратиш тугрисида»ги 2005 йил 26 майдаги 350-К ракамли кабул килган карорлари иловага асосан тасдиклансин.

2. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошкармаси (Ф.Жаманов)га хужаликларнинг ер тугрисидаги хисоботларига тегишли узгартиришлар киритиш топширилсин.

3. Мазкур карорнинг бажарилишини назорат килиш вилоят хокимининг биринчи уринбосари Ш.Нишонов зиммасига юклансин.

**Вилоят хокими** **М.Нурмуратов**